

ЛАМБРОТИН

ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА

Препаратнинг савдо номи: Ламбротин

Тасвир этувчи моддалар (ХПН): амброксол + цетиризин

Дори шакли: ичга қабул қилиш учун таблеткалар

Таркиби:

Ҳар бир таблетка куйидагиларни сақлайди:

фаол моддалар:

амброксол гидрохлориди ВР 30 мг;

цетиризин гидрохлориди ВР 5 мг;

ёрдამчи моддалар: лактоза, маккажўхори крахмали, микрокристалл целлюлоза, метилпарабен, пропилапарабен, тозаланган сув, магний стеарати, тозаланган тальк, қаллоид кремний диоксиди, натрий лаурил сульфати.

Таъриф: ок ёки деярли ок рангли думалок, икки томони қаварик қобиксиз таблеткалар.

Фармакотерапевтик гуруҳи: Муколитик ва антигистамин дори воситаси.

АТХ коди: R05CA10

Фармакологик таъсири

Фармакодинамикаси

Амброксол муколитик восита бўлиб ҳисобланади, секретомотор секретолитик ва балғам қўчирувчи таъсирларга эга; бронхларнинг шиллик қаватидаги сероз ҳужайраларни рағбатлантиради, тозаланган сув, магний стеарати, тозаланган тальк, қаллоид кремний диоксиди, натрий лаурил сульфати. *Цетиризин* нормалаштиради. Гидролизловчи ферментларни фаолаштириб ва секретор ҳужайралардан лизосомаларни ажратиб чиқишни кучайтириб, балғамнинг қовушқоқлигини пасайтиради. Хилпилловчи эпителийнинг ҳаракат фаоллигини оширади, мукоцилар транспортни оширади. Ичга қабул қилингандан кейин таъсири 30 минутдан кейин ривожланади ва 6-12 соат давом этади.

Цетиризин аллергияга қарши восита бўлиб ҳисобланади. Цетиризин - антигистамин препарат, Н1 –рецепторларининг селектив антагонисти, у сезиларли антихolinергик ва антисеротонин таъсирларга эга эмас. Цетиризин гематозенцефалик тўсик орқали ўтмайди. Цетиризин аллергия реакциянинг эрта фазасини тормозлайди, шунингдек эозинофиллар каби ялғизланиш ҳужайралари миграциясини камайтиради; кечки аллергия реакцияда иштирок этувчи медиаторларни ажратиб чиқишни бостиради. Цетиризин бронхал астмаси бўлган беморларда гистаминни ажратиб чиқишга жавобан юзгага келувчи бронхал даракнинг гиперфаоллигини ахамиятли пасайтиради. Препаратнинг ушбу самаралари марказий таъсир билан кечмайди, бу психометрик тестлар ва ЭКГ маълумотлари билан тасдиқланади.

Фармакокинетикаси

Амброксол ичга қабул қилингандан кейин жуда яхши сўрилади, қон плазмасидаги C_{max} га 0,5-3 соатдан кейин эришади. Плазма оқсиллари билан боғланиши – 80%. ГЭГ, йўдоқ тез ўсқилари орқали ўтади, кўкрак сuti билан ажралди. Дибромантранил кислотаси ва глюкорон конъюгатларини ҳосил қилиб жигарда метаболизмга учрайди. $T_{1/2}$ 1,3 соатни ташкил қилади. Буярқақлар орқали чиқарилади: 90% - сувда эрчван метаболитлари, 5% - ўзгармаган кўринишда.

Алоҳида клиник ҳолатлардаги фармакокинетикаси:

Оғир даражадаги буйрак етишмовчилигида $T_{1/2}$ ошади, жигар функциясини бузилишларида ўзгармайди.

Цетиризин ичга қабул қилинганда тез сўрилади, катталарда ярим чиқарилиш даври 7,9 ± 1,9 соатни ташкил қилади. Цетиризин ва унинг метаболитлари организмдан асосан сийдик билан чиқарилади.

Алоҳида клиник ҳолатлардаги фармакокинетикаси: оғир даражадаги буйрак етишмовчилигида $T_{1/2}$ ошади, жигар функциясини бузилишларида ўзгармайди.

Қўлланилиши

Ковушқок балғам ажралоши билан кечувчи нафас йўллари касалликлари:

- ўткир ва сурункали бронхит;
- пневмония;
- ўпканинг сурункали обструктив касалликлари;
- балғамни кийин ажралоши билан кечувчи бронхал астма;
- бронхоэктатик касалликда қўлланади.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

- препаратнинг компонентларига юқори сезувчанлик;
- буйракнинг оғир касалликлари;
- 6 ёшгача бўлган болалар;
- ҳомилдорлик ва лактация (эмизиш) даврида қўллаш мумкин эмас.

Препаратнинг куйидаги ҳолатларда **эҳтиёткорлик билан** буюрилади:

- ўртача ва оғир даражадаги сурункали пиелонефритда;
- буйрак етишмовчилигида (дозалаш тартибига тузатиш киритиш талаб этилади);
- кекса ёшдаги шахсларда (ушбу тоифадаги пациентларда калавалар филтрацияси тезлиги пасайиши мумкинлиги туфайли).

Қўллаш усули ва дозалари

Ламбротин препарати овқатланиш вақтида, оз миқдордаги суюқлик билан ичга қабул қилиш учун буюрилади.

Катталар ва 12 ёшдан ошган болаларга - 1 таблеткадан суткада 2 марта.

6 ёшдан 12 ёшгача бўлган болаларга - 1/2 таблеткадан суткада 2 марта.

Шифокор тавсиясисиз 4-5 кундан ортиқ қўллаш тавсия этилмайди. Даволаш вақтида суюқликларни (шарбат, чой, сув) кўп миқдорда истеъмол қилиш керак, чунки у препаратнинг муколитик самарасини кучайтиради.

Ноҳя таъсирлари

Ламбротин препарати одатда беморлар томонидан яхши ўзлаштирилади.

Амброксол:

Мий аъзолари томонидан: кам холларда –диарея/қабзият; юқори дозаларда узоқ вақт қўлланилганда –жигилдон қайнаши, гастралгия, кўнгил айниши, қусиш.

Аллергик реакциялар: тери тошмаси, эшакем, ангионевротик шок; айрим ҳолатларда –аллергик контакт дерматит, анафилактик шок.

Бошқалар: кам холларда – холсизлик, бош оғриғи, бурун бўшлиғи ва нафас йўллари шиллик қаватларини қуриши, экзантема, ринорея, дизурия.

Цетиризин:

Овқат ҳазм қилиш йўллари томонидан: оғизни қуриши, диспепсия. *Нерв тизими томонидан:* бош айланиши, бош оғриғи, уйқучанлик, толиқиш, кўзгалиш, мигрень.

Аллергик реакциялар: ангионевротик шиш, тери тошмалари, қичишиш, эшакеми.

Дориларнинг ўзаро таъсири

Ламбротини бошқа препаратлар билан мажмуада қўллаш мумкин. Дориларнинг ўзаро таъсирининг ноҳуш кўринишлари ҳақидаги маълумотлар йўқ.

Йўталга қарши препаратлар билан бирга қўллаш - йўтални камайиши фонида балғамни қўчишни кийинлаштирига олиб келади. Бронхиал секретта аммоксициллин, цефуроксим, эритромицин ва доксициклинни қиришни оширади. Миселотоксик дори воситалари препаратнинг гематотоксиклиги кўринишларини кучайтиради.

Махсус кўрсаткичлар

Препарат меъда ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллигиде клиник манзарага таъсир кўрсатиши мумкин.

Алкоголь ва МНТ ни сусайтирувчи дори воситалари билан бир вақтда қабул қилиш тавсия этилмайди.

Сийшни тутилишига мойил омиллари (масалан орқа мяияни шикастланиши, простата бези гиперплазияси) бўлган пациентларда эҳтиёткорликка риоя қилиш керак, чунки цетиризин сийдикни тутилиши вақфини ошириши мумкин.

Аллергологик синамаларни буюришдан олдин, Н1-гистамин рецепторлари блокторлари тери аллергия реакцияларини ингибция қилганлиги туфайли, уч кунлик «ювиш» даври тавсия этилган.

Автотранспортни ҳайдаш ва механизмларни бошқариш қобилиятига таъсири

Даволаш даврида диққатни юқори жамлаш ва психомотор реакцияларнинг тезлигини талаб этувчи потенциал хавфли фаолият турлари билан шугулланишдан сақланиши керак.

Дозани ошириб юборилиши

Симптомлар: кўнгил айниши, қусиш, диарея, диспепсия, уйқучанлик, тормозланиш, холсизлик, бош оғриғи, тахикардия, юқори таъсирчанлик, сийшни тутилиши, толиқиш (кўнгида цетиризини 50 мг суткалик дозада қабул қилганда).

Даволаш: препаратни қабул қилгандан кейин биринчи 1-2 соат давомида суный қусиш, меъдани ювиш, ёғлар сакловчи овқат қабул қилиш ёки фаолаштирилган кўмир буюрилади.

Чиқарилиш шакли

Ичга қабул қилиш учун 10 таблеткадан алюминий блистерда, 2 блистер тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан бирга картон қутида.

Сақлаш шароити

Қуруқ, ёруғликдан ҳимояланган жойда, 25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин.

Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

Яроқликлик муддати

3 йил.

Яроқликлик муддати ўтгач қўлланилмасин.

Дорихоналардан бериш тартиби

Рецептсиз.



Савдо белгиси ва рўйхатдан ўтказилганда гувоҳномасининг эгаси

BELINDALaboratories Pvt. Ltd.
E-186, Room No. 1, Basement, Greater Kailash-I,
New Delhi - 110048, Дели, Ҳиндистон.

Ишлаб чиқарувчи

Lark Laboratories (India) Ltd.,
SP-1192-E, Phase IV, RICO Industrial Area,
Bhiwadi, Dist. Alwar (Rajasthan), Ҳиндистон.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори воситаларининг сифати бўйича эътирозлар (тақлифлар) ни қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили

“Ameliya Pharm Service” МЧЖ
Ўзбекистон Республикаси, 100015, Тошкент ш., Ойбек кўч., 36,
“EAST LINE” БМ.

Тел.: +998 78 150 50 81, +99878 150 50 82.

E-mail: uzdrugsafety@evolet.co.uk